

ХОТИН-ҚИЗЛАРДА РАДИКАЛИЗМГА ҚАРШИ ДИНИЙ-ПСИХОЛОГИК ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

З.Х.Касимова – п.ф.н., профессор,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
“Дин психологияси ва педагогика” кафедраси

Бугунги глобал ахборот маконида инсон онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатувчи турли мазмундаги ахборотлар ҳажми тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқлар ва интернет платформалари орқали тарқатиладиган сохта, бирёқлама ёки манипулятив диний ахборотлар шахснинг диний тасаввурлари ва ижтимоий қарашларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Хотин-қизлар оила, таълим-тарбия ва жамият ҳаётида муҳим ижтимоий-психологик вазифаларни бажариши сабабли уларнинг диний саводхонлиги, психологик барқарорлиги ва ахборотни танқидий баҳолаш қобилиятини ривожлантириш радикал ғоялар профилактикасининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Радикализмга қарши диний-психологик иммунитетни шахснинг турли радикал ва деструктив ғояларни англаш, уларнинг таъсир механизмларини фарқлаш, эмоционал босим ва манипуляцияга берилмаслик ҳамда мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини таъминловчи психологик хусусиятлар мажмуи сифатида қараш мумкин.

Диний-психологик иммунитетни шакллантиришда бир нечта муҳим психологик омиллар мавжуд.

Биринчидан, диний саводхонлик. Диний тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини илмий ва ишончли манбалар асосида англаш инсонни сохта диний даъволар ва нотўғри талқинларга нисбатан барқарор қилади.

Иккинчидан, танқидий тафаккур. Хотин-қизларда интернетдаги диний мазмундаги маълумотларнинг манбаси, мақсади ва ишончилигини баҳолай олиш кўникмасини шакллантириш муҳим. Бу шахсни ҳар қандай ахборотни кўр-кўрона қабул қилишдан ҳимоя қилади.

Учинчидан, психологик барқарорлик. Ёлғизлик, ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги, ҳаётий қийинчиликлар ва эмоционал беқарорлик инсонни ташқи таъсирларга нисбатан сезгирроқ қилиши мумкин. Шунинг учун ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш, мулоқот маданияти ва эмоционал компетентликни ривожлантириш профилактиканинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Тўртинчидан, медиасаводхонлик. Замонавий шароитда диний-психологик иммунитет фақат диний билим билан чекланиб қолмаслиги керак. Хотин-

қизларда манипулятив контентни аниқлаш, сохта экспертликни фарқлаш, эмоционал таъсирга асосланган хабарларни танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантириш зарур.

Бешинчидан, ижтимоий қўллаб-қувватлаш. Оила, таълим муассасалари, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги конструктив ҳамкорлик хотин-қизларнинг ижтимоий мослашуви ва психологик барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Шу нуқтаи назардан диний-психологик иммунитетни шакллантириш жараёнини қуйидаги компонентлар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

1. Когнитив компонент - диний ва ижтимоий билимлар, танқидий фикрлаш, ахборотни таҳлил қилиш қобилияти;
2. Эмоционал компонент - эмоционал барқарорлик, ўз ҳис-туйғуларини бошқара олиш ва психологик босимга қарши туриш;
3. Мотивацион-қадриятли компонент - инсонпарварлик, бағрикенглик, тинчликсеварлик ва ижтимоий масъулият қадриятларини мустаҳкамлаш;
4. Хулқ-атвор компоненти - муаммоли вазиятларда мустақил ва масъулиятли қарор қабул қилиш, конструктив мулоқотга киришиш;
5. Рефлексив компонент - ўз қарашлари, эҳтиёжлари ва қарорларини танқидий баҳолай олиш.

Хотин-қизларда диний-психологик иммунитетни шакллантиришнинг самарали воситалари сифатида психологик тренинглар, очик мулоқотлар, кейс-стади, медиасаводхонлик машғулотлари, психологик маслаҳатлар ва ишончли диний-маърифий манбалар билан ишлаш усулларида фойдаланиш мумкин.

Бунда профилактика жараёни кўрқитиш, айблаш ёки шахсни стигмалашга эмас, балки маърифий ёндашув, психологик қўллаб-қувватлаш, танқидий тафаккур ва ижобий қадриятларни ривожлантиришга асосланиши лозим.

Хотин-қизларда радикализмга қарши диний-психологик иммунитетни шакллантириш комплекс ва тизимли психологик-педагогик жараён бўлиб, у диний саводхонлик, танқидий тафаккур, медиасаводхонлик, эмоционал барқарорлик, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва қадриятлар тизимининг уйғун ривожланишини назарда тутди.

Диний-психологик иммунитетнинг юқори даражаси шахсга турли манипулятив таъсирларни англаш, ахборотни мустақил таҳлил қилиш, деструктив ғояларни конструктив қадриятлардан фарқлаш ва ижтимоий ҳаётда масъулиятли позицияни эгаллаш имконини беради.

Шу сабабли хотин-қизлар билан профилактик-психологик ишларни ташкил этишда уларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, ҳаётий тажрибаси, ижтимоий муҳити ва ахборотдан фойдаланиш маданиятини ҳисобга олиш

мақсадга мувофиқ. Бу эса жамиятда тинчлик, бағрикенглик ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Allport G.W. The Nature of Prejudice. -Reading, MA: Addison-Wesley, 1954.
2. Bandura A. Social Learning Theory. -Englewood Cliffs: Prentice-Hall, 1977.
3. Horgan J. The Psychology of Terrorism. -London: Routledge, 2005.
4. Kruglanski A.W., Bélanger J.J., Gunaratna R. The Three Pillars of Radicalization. -Oxford University Press, 2019.
5. Tajfel H., Turner J. C. An Integrative Theory of Intergroup Conflict // The Social Psychology of Intergroup Relations. -Monterey, 1979.